


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Вилоят ҳокимлиги
ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгаши раиси

 **Н.ТОҒАЕВА**
2025 йил “10” январь

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг
2 – Й И Ғ И Л И Ш И Б А Ё Н Н О М А С И

Ўтказиш жойи: “Ёшлар маркази” кичик мажлислар зали
Ўтказиш санаси ва вақти: 2025 йил 10 январь соат 11.00.

Кенгаш раиси:	Н.Тоғаева
Кенгаш котиби	М.Хамидов
Иштирок этган аъзолар сони:	10 нафар аъзо
Маълум сабабларга кўра иштирок этмаган аъзолар:	6 нафар (<i>Ж.Ҳамроев, М.Мамадиярова, Д.Орзиева, Ш.Раубаева, А.Муқимов, Ғ.Алиев</i>)

Йиғилишга таклиф этилганлар:
ННТлар ва ОАВ вакиллари (*35 нафар*)

К У Н Т А Р Т И Б И

1. “Юксалиш” УМХ Навоий вилояти ҳудудий бўлинмасининг 2024 йилдаги йиллик фаолияти тўғрисида

Сўзга чиқувчи: **А.Жалилов** – бўлинма раҳбари

2. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши Иш режаси ва Кенгаш аъзоларининг ҳудудларга бириктириш ва уларнинг функционал вазифалари тўғрисида

Сўзга чиқувчи: **Н.Тоғаева** – Жамоатчилик Кенгаши раиси

3. Коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик назорати субъектларининг роли ва иштирокини кучайтириш тўғрисида

Маърузачи: **М.Хамидов** – Жамоатчилик Кенгаши котиби

4. Бошқа масалалар

1. ЭШИТИЛДИ:

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши иккинчи йиғилишини Кенгаш раиси Н.Тоғаева олиб борди.

Н.Тоғаева йиғилишни кириш сўзи билан очиб, ўтган “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” доирасида вилоятимизда жамоатчиликнинг роли ва имкониятлари юзага чиқарган қатор тадбирлар амалга оширилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги **биринчи масала** – “Юксалиш” УМХ Навоий вилояти ҳудудий бўлинмасининг 2024 йилдаги йиллик фаолияти тўғрисида сўз “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари – **Жалилов Алижон Сайдуллаевичга** берилди.

Маърузачи ўз сўзида “Юксалиш” УМХ вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан 2024 йилда амалга оширилган фаолияти юзасидан тақдимот қилиб, батафсил тўхталиб ўтди.

Жумладан, 2024 йилда Навоий вилояти ҳудудий бўлинмасига 2000 дан ортиқ аъзолар қабул қилинди. “Ўзбекистон 2030” стратегияси бўйича 15 маротаба жамоатчилик муҳокамалари ўтказилган.

“Ўзбекистон 2030” стратегияси ижроси юзасидан бўйича 20 дан ортиқ мониторинглар, 10 дан ортиқ эшитувлар, аҳоли муаммоларига оид 12 маротаба тадқиқот ва сўровлар ўтказилган.

Ҳудудий бўлинма томонидан Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши сессияларига 4 та масалалар киритилган.

“Юксалиш” ғояси асосида вилоятнинг 14 та маҳалласида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг молиявий кўмаги билан куёш панелли кўча чироқлари ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятда 9 маротаба турли акциялар ташкил этилди. Биргина “Биз донормиз” акциясида 125 литрга яқин қон тўпланиб, бемор, хаста ва муҳтожларга улашилган.

Акцияда Фавқулодда вазиятлар, Миллий гвардия, Ички ишлар, Ёнгин хавфсизлиги, ҳарбий қисмларида хизмат қилаётган йигитлар ҳамда маҳаллаларда яшовчи кўнгиллилар фаол бўлдилар.

Жорий йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтган сайловларни юқори кайфиятда ўтказишда ҳудудий бўлинма ҳам фаол қатнашди. Хусусан, сайловга оид марказий аппарат томонидан тақдим этилган видеороликлар вилоятдаги ЛЕД экранларда мунтазам намойиш этиб борилган.

Шунингдек, сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар иштирокида теледебат ташкил қилиниб, Навоий вилояти ТРҚда намойиш этилган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳам фаол иштирок этиб, йил давомида 300 дан зиёд манзаралари ва мевали дарахтлар экилиши таъминланган.

Ҳудудий бўлинма фаолиятига оид 6 маротаба Марказий, 42 маротаба маҳаллай телеканалларда чиқишлар қилинган.

А.Жалилов ҳисоботи юзасидан Жамоатчилик Кенгаши раиси Н.Тоғаева, Кенгаш котиби М.Хамидов, Навоий вилояти “Ўзбек жанг санъати” федерацияси раҳбари Ф.Муҳаммадиев, ЎзМТДП вилоят Кенгаши раиси И.Ражабов, вилоят “Соғлом авлод учун” жамғармаси раҳбари Ш.Қиличевалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги **иккинчи масала** – вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши Иш режаси ва Кенгаш аъзоларининг ҳудудларга бириктириш ва уларнинг функционал вазифалари тўғрисида сўз навбати Жамоатчилик Кенгаши раиси – **Тоғаева Назира Маманазаровнага** берилди.

Н.Тоғаева ўз сўзида бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига яратилаётган имкониятлар, уларнинг сонини йил сайин ортиб бораётганлиги, айнан маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашлари фаолияти самарали йўлга қўйилиб, улар маҳаллий давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро самарали ижтимоий ҳамкорлик борасида қатор вазифаларни амалга оширишга масъул эканлигини уқтириб ўтди.

Шу нуқтаи-назардан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини самарали ташкил қилишда, Кенгаш аъзоларини ҳудудлардаги жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва таъминлаш, уларнинг жамоатчилик назорати ва самарали ижтимоий шерикчиликни такомиллаштиришдаги ролини ошириш бўйича ҳудудларга бириктириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Вилоят ҳокимлиги, жамоатчилик Кенгашлари билан келишилган ҳолда таклифга кўра, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши аъзоларини вилоятнинг 3 та шаҳри ва 8 та туманига бириктириш масаласи муҳокама қилинди. Тегишли аъзоларни ҳудудларга бириктириш бўйича таклиф овозга қўйилиб, Кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг, Кенгаш раиси Н.Тоғаева ҳудудларга бириктирилган аъзолар фаолиятига доир вазифалар бўйича алоҳида тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала – вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг 2025 йилга мўлжалланган Иш режаси бўйича алоҳида тўхталиб ўтилиб, Иш режага таклиф этилаётган барча 12 та масалалар йиғилганлар эътиборига бирма бир ҳавола қилинди ва йиғилганлар, соҳаларда фаолият олиб бораётган жамоатчилик вакиллари билан бирма бир келишиб олинди.

Кенгаш раиси томонидан муҳокамалардан сўнг вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг 2025 йилга мўлжалланган Иш режасини асос сифатида тасдиқлаб олиш масаласи кўтарилиб, Иш режани келгусида қўшимча ўзгартириш киритиш шарти билан асос сифатида тасдиқлаш бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** – “Коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик назорати субъектларининг роли ва иштирокини кучайтириш тўғрисида” – вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши котиби, Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва

мониторинг маркази раҳбари **Хамидов Мансуржон Абдухалилович** сўзга чиқди.

М.Хамидов ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони, 2018-йил 04 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сонли қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида 2024 йил 23 октябрда Навоий вилояти ҳокимлигининг 281-5-0-Q/24-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига даҳл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масаласи – коррупцияни олдини олишда ҳамкорликдаги энг муҳим воситалардан бири эканлиги таъкидланди.

Айниқса, биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш, давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш, провардида давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, давлат органи фаолиятининг

очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, давлат органининг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш; давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, давлат органлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш Жамоатчилик Кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Қарорда Жамоатчилик кенгашининг фаол аъзолари қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилиши алоҳида белгилаб қўйилганлиги таъкидланди.

Жамоатчилик назорати субъекти сифатида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим йўналишлари эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Тадқиқотчи ҳамда Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази раҳбари сифатида М.Хамидов бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қатор муҳим йўналишларга алоҳида эътибор қаратди.

Биринчидан, коррупцияга қарши курашишнинг превентив чоралари самарадорлигига эришиш керак. Яъни иллатнинг олдини олишнинг назарий пойдевори — “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (education, awareness and advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability) тамойиллари асосида аниқ жамоатчилик назорати тадбирларини амалга ошириш зарур.

Бу борада жамоатчилик назорати принциплари ривожланган мамлакатлар, хусусан, Сингапур тажрибасига ҳамоҳанг равишда “one size fits all”, яъни “барча учун бир хил мезон” модели асосида ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда холис ва шаффоф баҳолаш тизими ишлаши лозим.

Албатта коррупцияга қарши курашиш стратегиясида интеграциялашган ёндашувни қўллаш яхши самара беради. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институти билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини

таъминлаш назарда тутилади. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бу борада коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири — аниқ статистика ва мақбул далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Шу боис, келгусида жамоатчилик назорати субъектлари мазкур йўналишда аниқ фактлар ва статистика билан ишлаши зарур ҳисобланади.

Учинчидан, жамиятнинг ҳар бир соҳасида, хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, у билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни криминализациялаш ҳамда халқаро стандартларни тўлиқ ва тўғри қўллаш лозим. Бунда халқаро ҳужжатларда назарда тутилган “ноқонуний бойлик орттириш”, “учинчи шахсларнинг моддий манфаатларини кўзлаб тамагирлик қилиш” каби ҳаракатларни криминализациялаш масалаларини кўриб чиқиш вақти келди.

Кун тартибидаги мазкур масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Юксалиш” УМХ Навоий вилояти ҳудудий бўлинмасининг 2024 йилдаги йиллик фаолияти тўғрисида бўлинма раҳбари – Жалилов Алижон Сайдуллаевичнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши аъзоларига:

- маҳаллий давлат органлари ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари “Юксалиш” УМХ вилоят ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда жамоатчилик назорати тадбирларини ташкил қилишда ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш ва самарали ҳамкорлик қилиш тавсия этилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши Иш режаси ва Кенгаш аъзоларининг ҳудудларга бириктириш ва уларнинг функционал вазифалари тўғрисида Кенгаш раиси Тоғаева Назира Маманазаровнанинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг 2025 йилга мўлжалланган Иш режаси (асос сифатида) 1-Иловада, жамоатчилик Кенгаши аъзоларининг ҳудудларга бириктириш жадвали 2-Иловада тасдиқлансин.

4. Коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик назорати субъектларининг роли ва иштирокини кучайтириш тўғрисида Жамоатчилик Кенгаши котиби, Навоий вилояти “Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари М.Хамидовнинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши аъзоларига:

- Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида маҳаллий давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига даҳл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўлга қўйиш;

- биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш;

- давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик тадқиқотлар олиб боришни қўллаб-қувватлаш;

- жамоатчилик назорати тадбирларини ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш, провардида давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

- маҳаллий давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш;

- маҳаллий давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, давлат органлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатишган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича

муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш тавсия этилсин.

6. Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишда кўрсатган фаоллиги учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг фаол аъзолари қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб боришни ташкил этиш бўйича Халқ депутатлари вилоят Кенгашига тегишли таклиф киритилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Жамоатчилик Кенгаши котиби ва аъзолари зиммасига юклансин.

Овоз берилди: ёқлаб 10 киши

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Кенгаш котиби

 **М.Хамидов**